**Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва юридик шахслар учун қаттиқ ва суюқ маиший чиқинди (М.Ч.)ларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш**

**19 -сонли ШАРТНОМА**

«10» 01 2022й. Дангара тумани

Бундан буён матнда "Ижрочи" деб аталувчи корхона тўғрисидаги Низом асосида фаолият олиб борувчи Фарғона вилояти **"AGRO RISHTON TA`MIR SERVIS" MChJ** Дангара туман филиали раҳбари [signature] бир томондан ва бундан буён матнда **"Буюртмачи"** деб юритилувчи Дангара туман 1сон КХМ номидан раҳбар О. Девзонов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

### 1. Шартнома мазмуни

**1.1.** "Буюртмачи" қаттик маиший чиқиндилар (бундан буён ҚМЧ деб аталсин) ни топширади "Ижрочи" эса шартномада кўрсатилган хақ эвасига "Буюртмачи" томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган ҚМЧ ларни ташиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади, "Буюртмачи" эса кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида тўловларни тўлаб бериш шарт.

**1.2.** ҚМЧ ларнинг умумий хажми бир йилига 26.08 м3 1199680- суммани ташкил этади.

### 2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

**2.1** Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх хар бир м3 ҚМЧ учун 40000- сўм, ҚҚС билан 46000- сўм.

**2.2** Суюқ маиший чиқинди (СМЧ) шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх хар бир тоннаси учун ______ сўм, ҚҚС билан 1199680- сўм.

**2.3** Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси бир миллион (бир юз тўқсон тўққиз минг олти юз саксон) сўмни ташкил этади.

2.4 Хисоб-китоб хисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонига асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади.

### 3. "Буюртмачи" мажбуриятлари

3.1 Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғилиш хажми ва олиб чиқиб кетиш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йиғиш қутиларига олиб чиқиб ташлаш белгиланган.

3.2 ҚМЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик хажмдаги чиқиндилар ва шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш хамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алохида хақ эвазига бир маротабалик шартнома тузиш.

3.3 Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурлмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз холатда сақлашни таъминлаш.

3.4 ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган холларда 97 708-93-23 телефонига телефонограмма йўллаш орқали "Ижрочига" маълумот бериш.

3.5 Бажарилган ишнинг хажмини "Ижрочи" нинг хужжатларида "Буюртмачи" вакилининг имзоси ва корхона мухри билан тасдиқлаб бориш.

### 4."Ижрочи"нинг мажбуриятлари

4.1. Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.2. "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан кўшимча тўлов хисобига курилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни, шох-

4.3. Хар ой бошига ўтган хисобот ой учун шартнома асосида "Буюртмачи" хисоб рақамга тўлов талабномасини юбориш.

4.4 "Буюртмачи" томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишларда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

### 5.Томонларнинг жавобгарликлари

5.1 "Буюртмачи" томонидан кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорда "Ижрочи"га пеня тўлайди.

Агар "Ижрочи" ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос хисобланади.

5.2. "Ижрочи" ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ хажми қийматидан 0,4% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда "Буюртмачи"га пения тўлайди.

5.3. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

Сканировано с CamScanner

5.4 Ушбу шартномада кўрсатилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа хужжатлар билан белгиланади.

**6. Шартнома муддати**

6.1 Мазкур шартнома «10». «01». «2022» йилдан бошланиб, «31». «12» «2022» йилда тамомланади.

**7. Низоларни хал этиш тартиби**

7.1 Мазкур шартнома юзасидан низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви билан бартараф этилади.
7.2 Тарафлар томонидан қонун хужжатларида белгиланган судгача келишмовчиликларни хал этиш чоралари (талабнома юбориш ва х.з) кўрилгунга қарамай низо ўзаро хал этилмаганда, қонун хужжатларида белгиланган тартибда низони хал этиш учун тегишли тартибда Фарғона вилоят Иқтисодий судига мурожаат этилади.

**8. Форс-мажор холатлар**

**8.1** Тарафлар ўз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд холатлар (шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш холати тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа табиий офатлар) хамда Хукуматнинг норматив-хуқуқий хужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларни бажарилишига тўсқинлик қилишига олиб келганда, бу холатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки хафта олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилган холдагина ушбу холатлар форс-мажор холати хисобланиб, ушбу холатда тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

**9. Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тартиби**

9.1 Амалдаги шартнома муддатидан олдин қуйидаги холатларда бекор қилиниши мумкин.
9.2 Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу хақдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнгина хақиқий деб топилиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.
9.3 Ушбу шартнома икки нусхада тўзилиб, хар бир шартнома Ғазначилик бўлимларидан руйхатдан ўтказилганидан сўнг юридик кучга эгадир. Шартнома нусхалари бир донадан хар бир тарафда сақланади.

**10. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари**

| "Ижрочи" | "Буюртмачи" |
|---|---|
| **"AGRO RISHTON TA`MIR SERVIS" MChJ Дангара тумани филиали** | "Дангара тумани Ісон КХИ" |
| **Манзил:** | Дангара ш Тошкент к-си 4-уй |
| «AGRO RISHTON TA`MIR SERVIS» M.Ch.J. O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG`ONA VILOYATI DANG`ARA TUMANI CHINOBOD M.F.Y CHINOBOD KOCHASI. X/г:2020 8000 3045 7461 6002 "O`ZMILLIYBANK" FARG`ONA FILIALI MFO: 00493. INN: 300173164. | **Х/р:** 100010860302367092901079001 |
| **Х/р:** | **МФО:** 00014 **ХХТУТ:** 92120 **СТИР:** 203348104 |
| **МФО:** | Газна х/в 23402000300100001010 |
| **Банк номи:** | **Банк номи:** "Марказий банк Дангара бўлими Тошкент ш ХККМ |
| | Газначилик СТИРи 201122919 |
| **Рахбар:** | **Рахбар:** О. Дехконов |

**Юридик хулоса**

**Тузилаётган шартнома лойихасини хуқуқий экспертизасини «Хўжалик юритувчи обеъклар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 10,20,21-моддаларига биноан хуқуқий экспертизадан ўтказилди. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-354, 357-366-моддаларига мос келади.**

**Шартнома предмети, хисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби ва бошқа зарур шартлар белгиланган. Шартнома реквизитлаи тўлиқ тўлдирилган. Шартномадаги тарафлар номидан шартномани имзоловчилар ваколатлари ўрганилиб, шартнома тузишга ваколатлилиги аникланди. Мазкур шартнома лойихасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига амал қилган холда тузилди ва бу шартнома бўйича тарафлар ўзаро хўжалик алоқаларини йўлга қўйиб манфаатли хамкорликни йўлга қўйишлари мумкин.**

**Хулоса сифатида шартномани имзолаш мумкинлиги аниқланди.**

**Хуқуқшунос:** HUQUQSHUNOS * * M.M.Nurmatov

Сканировано с CamScanner

1156

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AGRO RISHTON TA'MIR SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AGRO RISHTON TA'MIR SERVIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.01.2007 203 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 300173164

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Rishton tumani, Zoxidon, Zohidon,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Rishton tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Сканировано с CamScanner

Вилоят ҳокимининг
2019 йил 17 августдаги
277 -сонли қорорига
илова

**Ҳудудларда қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлар тарифлари**

(сўм)

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Қаттиқ маиший чиқиндилар | | | Суюқ маиший чиқиндилар | | Маиший чиқинди полигонидан фойдаланиш учун 1 тонна учун |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Аҳолига бир ойлик учун | Юридик ташкилотларга 1 м3 учун ҚҚСсиз | Юридик ташкилотларга 1 м3 учун ҚҚС билан | Аҳолига бир тонна учун | Юридик ташкилотларга бир тонна учун *(ҚҚС билан)* | |
| 1. | Фарғона шаҳар | 3 000 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 2. | Қўқон шаҳар | 3 000 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 3. | Қувасой шаҳар | 3 000 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 4. | Марғилон шаҳар | 3 000 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 5. | Бағдод тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 6. | Бешариқ тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 7. | Бувайда тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 8. | Данғара тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 9. | Ёзёвон тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 10. | Олтиариқ тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 11. | Қўштепа тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 12. | Риштон тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 13. | Сўх тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 14. | Тошлоқ тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 15. | Учкўприк тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 16. | Фарғона тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 17. | Фурқат тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 18. | Ўзбекистон тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |
| 19. | Қува тумани | 2 500 | 40 000 | 48 000 | 40 601 | 48 721 | 10 052 |

Сканировано с CamScanner